

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
DAVLAT TILINI RIVOJLANTIRISH DEPARTAMENTI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
TOSHKENT DAVLAT O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI
BUXORO VILOYATI PEDAGOG XODIMLAR MALAKASINI OSHIRISH
VA QAYTA TAYYORLASH INSTITUTI**

**“FILOLOGIK TADQIQOTLAR: MUAMMO VA YECHIM”
mavzusida xalqaro ilmiy-nazariy anjuman
materiallari**

(filologiya fanlari doktori, professor Hamid G'ulomovich Ne'matov
tavalludining 80 yilligiga bag'ishlanadi)

**«ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ПРОБЛЕМА И
РЕШЕНИЕ»**

**материалы международной научной конференции
(доктор филологических наук, профессор Хамид Гуломович
Негматов
посвящается к 80-летию со дня рождения)**

**“PHILOLOGICAL RESEARCH: PROBLEM AND SOLUTION”
international scientific conference**

(doctor of Philology, Professor Hamid Gulomovich Negmatov
dedicated to the 80th birthday anniversary)

Buxoro – 22-noyabr, 2021-yil

Юлдошева Нилуфар Эргашевна. СОДДА ГАПНИНГ СТРУКТУР ТУЗИЛИШINI ЎРГАНИШГА ДОИР ЁНДАШУВЛАР	265
Dildora Yunus qizi Yusupova. SHOIRA HALIMA XUDOYBERDIYEVA SHE'RIYATI TILINI O'RGANISH ZARURATI.....	268
Акбарова Зухро Акмалжоновна ФАЛСАФИЙ ОЛАМ МАНЗАРАСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЛИСОНИЙ ОМИЛЛАРИ	272
Shaumarova Z.A. OILADA KITOBXONLIK MADANIYATI	274
Karimova G.Q. MEHRIBONLIK UYLARIDA KITOBXONLIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI	276
Mirsharipova Shaxzoda. TARIXIY ROMANDA PORTRET TASVIRI ("ONA LOCHIN VIDOSI" ROMANI MISOLIDA)	277
Азамат Ражабов. «ОЛИЙ МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ХОР-ДИРИЖЁРЛИК ФАНИНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕТОДИК ТУЗИЛМАСИ»	279
Sh.Gulyamova. LINGUISTIC FEATURES RELATED TO THE LEVEL OF MONOLOGIC DISCOURSE AND ITS APPLICATION IN THE LITERARY TEXT	283
Махмудова Фарангиз Музаффар қизи. TILSHUNOSLIKDA TIL VA NUTQ HODISALARINING O'RGANILISHI	287
Хамроева Шахло Миржоновна, Дилрабо Элова Кудратиллаевна. ТИЛ КОРПУСЛАРИ БИРЛИКЛАРИГА ИШЛОВ БЕРИШДА МОРФОАНАЛИЗАТОР БИРЛИКЛАРИДАН Фойдаланиш	289
М.Р. Киличева. ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ЁЛФИЗЛИК ҲОЛАТИНИ БАДИИЙ ЁРИТИШДА РУҲИЙ ТАҲЛИЛ ТАМОЙИЛЛАРИ	291
Laylo Raupova, Nozliya Normurodova, Tairova Gulya. LANGUAGE CORPUS AND ITS TYPES	294

«ОЛИЙ МУСИҚА ТАЪЛИМИДА ХОР-ДИРИЖЁРЛИК ФАНИНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕТОДИК ТУЗИЛМАСИ»

*Азамат Ражабов - Бухоро давлат университети
“Муסיқа таълими” кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация. Мазкур мақолада олий муסיқа таълимида хор-дирижёрлик фанининг ташкилий тузилмаси кенг ёритиб берилган ҳамдадирижёрлик санъати тарихи, такомиллашуви, ҳозирги кундаги ижро этиш, ўқувчи ёшларга керакли билим ва малакаларни қай тарзда етзакиб бериш тўғрисида кенг ифодаланган.

Калит сўзлар: дирижёрлик, хор, муסיқа, оркестр, чолғу, метод, ижрочилик, ритм.

Дирижёрлик санъати тарихидан: «Дирижёр кўриш ва эшитиш санъатига эга бўлмоғи лозим, у енгил ва айни пайтда кучли бўлиши даркор, у созлар композициясини, уламинг табиати ва қамровини ҳис қилиши, партитурани ўқий олиши, шулар баробарида алоҳида истеъдод эгаси бўлиши муҳим. Уяна ўзи ва оркестр ўртасида ко ўзга ко ўринмас алоқа о ўматилиши учун керак бўлган яна бошқа, деяри ноаниқ хусусиятларга ҳам эга бо ўлиши шарт. Агар дирижёр оркестрга ўз ҳиссиётларини етказиш хусусиятига эга бўлмаса, унда ва оркестр устидан «хукмронлик» қила олмайди, унга оўз таъсирини о ўтказишдан маҳрум бўлади. Бу ҳолда у оркестминг дирижёри эмас, балки оддийгина «такт урувчи»га айланиб қолади, шунда ҳам агар умуман тактни тўғри белгилаш ва ажратишни уддалай олса!» (Гектор Берлиоз)

Дирижёрлик қилиш пайтида тана тик, хотиржам ва шу билан бирга ҳаракатга тайёр ҳолатда кўкрак қафаси сал кўтарилган, елка эса тик тўғри бўлиши лозим. Елкани жуда кўтариб юбориш мумкин эмас — бу бел мушаклари ҳаракатсиз ҳолатда бўлишига, тирсаклар икки томонга «тарвақайлаб» кетишига ва умуман бутун тананинг ноқулай вазиятга келишига сабаб бўлади. Ҳаддан ташқари эгилиш ва букилиш ҳам нотўғри. Бундай ҳолатда ҳаракатлар суст ва ишончсиз бўлиб қолади. Тананинг ҳаддан зиёд ҳаракатчанлиги, ижро пайтида тез-тез бурилиш, эгилиш ва бошқа ортиқча ҳолатлар шошқалокликдек кўринади ва одатда, дирижёрнинг техник кўникмалари яхши эмаслигини кўрсатади.

Умуман, дирижёрнинг бутун ташқи кўриниши эстетикага асосланиши керак: тана табиий ҳолатда, кўкракқафаси керилган, елкалартўғриланган бўлмоғи лозим. Шунингдек, дирижёр ҳеч қачон қаддини букиб турмаслиги даркор. Тананинг ҳолати дирижёрнинг нафас олишига ҳам таъсир этади. Елка ва бутун тана шундай ҳолатда бўлиши керакки, дирижёрнинг эркин нафас олишига халақит қилмаслиги керак. Дирижёрнинг нафас олиши шу сабабдан табиий бўлиши керакки, у бутун муסיқа ва унинг қисмларини нафаси билан боғлайди. Шу боис ҳам «дирижёр муסיқа билан бирга нафас олади», деган ажойиб ибора бор. Дирижёрнинг нафас олиши қўшиқчилар ва созандалар нафаси билан ҳам табиий равишда боғланади. Дирижёрнинг бутун вужуди доимо оркестрнинг ҳар бир аъзоси ва қолаверса, тингловчиларнинг диққат марказида бўлишини

инобатга олган ҳолда у ўзини ҳамиша назорат қилиб туриши, ортикча ҳаракатлар қилмаслиги лозим. Дирижёрнинг бутун диққат-эътибори оркестрга қаратилиб, унинг ҳаракатлари аниқ, ишончли ва айни пайтда ўша — рўпарасидаги оркестрга кўмаклашишга йўналтирилган бўлиши шарт. Баъзи дирижёрлар кўл ҳаракатларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида оркестрантлар томон эгилиб, ўз танасини ноўрин ҳаракатларга йўналтиради. Амалда эса бу ҳои кўл ҳаракатларининг самарасини оширмайди, аксинча. Ижрочиларни янглиштиришга олиб келиши ҳам мумкин. Таъсирчанликка тана ёрдамида эмас, балки фақат кўл ҳаракатлари орқалигина эришиш лозим. Бунга таниқли рус дирижёри Й. А. Мравинский ёрқин мисол бўла олади. Унинг танаси оркестрни бошқариш жараёнида деярли иштирок этмайди. Қўлла ри эса буткул эркин ҳолатда ишлайди. Тананинг ифода имкониятларидан аъло даражада фойдалана билиш, тана ҳолатининг м аънодорлиги, ҳаракатларнинг юксак даражада пластик эканлиги унинг дирижёрлик услуби ниҳоятда эмоционал бўлишини таъминлаган.

Дирижёр бошини шундай тутиши керакки, бунда даҳани сал тепага кўтарилиб, нигоҳи оркестрга қадалиб туради. Бошни тўғри ва эркин тутиб, уни керак пайтда оркестринг турли қисмлари том он буришга осон бўладиган ҳолатда ушлаш лозим. Бобҳни мусиқага ҳамоҳанг тарзда ўвнатиш ҳам. мудом бир нуқтага тикилиб туриш ҳам тўғри эмас.

Бошни жуда эгик ҳолатда тутиш эса бўйин мушакларининг қисилиб қолишига олиб келиши мумкин. Агар бош эгик ҳолатда тутилса, дирижёр оркестрантларнинг ҳаммасини кўра олмайди, о ўз навбатида уларни ҳам дирижёрнинг юзини кўриб туришлари қийинлашади. Зотан, улар ўртасидаги мулоқотда дирижёр нигоҳи катта аҳамият касб этади. Дирижёр нигоҳи ижрочилар эътиборини жамловчи, уларни ижродаги қандайдир муҳим жиҳатдан огоҳлантирувчи, алоҳида чолғу ёки гуруҳлар қисмларини таъкид этиш воситасидир. Бунда юз ифодаси катта аҳамиятга эгаки, унинг м аънодор бўлиши бадий образ яратишда муҳим роль ўвнайди. Асосийси — қиёфани кераксиз тарзда буриштирамасликдир. Дирижёрнинг тошдек қотиб қолган, маъносиз қиёфаси ижрочилар жамоасида завқ уйғотмайди, албатта, лекин ҳаддан зиёд м аънодорлик, ифодавийликка эрк бериш ҳам тўғри эмас.

Дирижёрлик пайтида оёқлар бутун тана учун мустаҳкам таянч вазифасини бажаради. Дирижёрнинг оёқлари бутун оёқ панжаси ёки бармоқларига таяниб, тананинг барқарор ҳолатини таъминлайди. Асосийси — таянч товонга то ўг ёри келмаса бўлгани. Оёқларни жуда кериб юбориш ёки бир-бирига жуда яқин қўйиш ҳам нотўғри. Дирижёр мусиқага ҳамоҳанг тарзда тиззаларини букиши, у ёқ, бу ёққа юриши, ёки бир жойда қотиб турган ҳолда танасини чайқатиши ҳам тўғри эмас. Дирижёрлик қилиш пайтида тана ҳолатлари ўзгариб борар экан, унга мувофиқ тарзда оёқлар ҳам ўз ҳолатини ўзгартириб туради. Шу муносабат билан тана оғирлиги у оёқдан бу оёқга о ўтиб туради. Гарчи оёқларни бир ҳолатда тутиш қийин бўлсада, уларни тез-тез ўзгартириб туриш ҳам нотўғри, бу бир жойда депсиниш ёки бирор жойга шошиб турган киши ҳолатига ўхшаб кўринади.

Дирижёрнинг қўлларига қўйиладиган асосий талаб - уларнинг тўла эркинлиги, яъни танага бўйсунм аслиги ва м ушакларнинг бўш қўйилишидир. Эркинлик дирижёрга мусиқани осон ифода этиш имконини беради. Қўлларни эркин тутмаслик эса оркестрга ўз ниятларини тўлиқ ва аниқ етказишга халал беради. Бундай қўллар эгилувчан ва пластик бўлмайди, улар мусиқани ифода этишга ожизлик қилади. Улар, ҳатто нигоҳни ҳам чарчатиб қўяди, энг асосийси — эркин бўлмаган қўлларнинг ҳаракатлари тушунарсиз бўлиб, бу оркестр ишига ёрдам ўрнига халал беради. Одатда, бундай қўлламинг тирсаклари икки томонга керилиб, тепага кўтарилган бўлади. Ўз қўл ҳаракатларининг самарасиз эканини сезган бундай дирижёр қўлларига «ёрдам бериш» учун яна танаси, бошини ишга солиб, кераксиз ҳаракатларни кўпавтираверади. Худди шунингдек, қимтиниб ишлайдиган дирижёр ўзи ижро этаётган концерт ёки спектакль «юки»ни кўтара олмайди. Шу боис ўз фаолиятини энди бошлаётган дирижёрлар билан такт машқларини ўрганишни ва қўлларни «эркинлаштириш» ишидан бошлаганлари маъқул. Бугун қўллар - дирижёр аппаратининг асосий ва энг муҳим қисми эканлигини унутмаслик керак. Қоиаларнинг турли ҳолатлари — ҳаракатлари эркинлик, қулайлик, табиийлик ва муҳими ижрога тўғри келиш каби талабларга жавоб бериши керак.

Ўқитувчининг чалишдаги қўл ҳаракатлари, дирижёрлиги, юз ифодаси, доскага илинган қўшиқ плакати, машқ ёзуви ҳам кўрғазмали воситадир, аммо у мусиқа садоси кўрғазмалилига ёрдамчи, иккинчи даражали воситадир. Буни шу билан исботлаш мумкинки, мусиқани кўзи ожиз киши идрок этади; аммо у тасвирий санъатни идрок этолмайди, табиат гўзаллигини кўролмайди, уларни мусиқа тасвирида тасаввур қилиши мумкин. Аммо бошланғич синфларда асар сюжетига хос картиналар асар бадий мазмунини конкрет тасаввур этиб идрок этилишига ёрдам беради. Айниқса, доскага оҳангнинг график чизиқлар билан ифодаланиши, клавиатура орқали мусиқа товушларини чалиб кўрсатиш дастлабки идрок малакаларини шаклланишига муҳим роль ўйнайди. Ўрта синфларда эса кўрғазмалилик нота ёзувлари орқали конкрет ва абсолют системага ўтади.

Ҳар бир синф ўқувчиларининг билим ва малакасини ҳисобга олиб, дарсинг йиллик тақвимий режасини тузиш учун мусиқа дарсларининг ўқув дастурида ўқитувчи учун асарларни танлаш имконияти берилади. Мазкур хусусият билан ҳам мусиқа дарси бошқа фан дарсларидан фарқ қилади. Бунда қўшиқ куйлаш, тинглаш учун асарлар, вокал-айтим машқлари, мусиқа саводи материаллари, асарлар таҳлили учун атамалар ва бастакорлар ижодига хос маълумот ҳамда далиллар ҳаётий мисоллар билан болаларнинг билим, малакаларига мос ҳолда танланади ҳамда дарс режалари тузилади.

ХУЛОСА

Машғулотларда қўлланиладиган мусиқа таълими принциплари болаларда мусиқий ижодкорлик, тингланган ва идрок этилган мусиқа асари ҳақида муносабат билдириш, баҳо бериш, мусиқий-ижодий фаолиятлар маҳсулини нутқ шароитига мос равишда баён эта олиш, ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилмоғи лозимдир.

Шундай қилиб, музика дарслари педагогика фанининг дидактик назарияси ва принциплари (таълим амалиётининг умумлашган назарияси) асосида тузилади. Бу принциплар ўқитувчи ҳамда ўқувчи томонидан амалга ошириладиган таълимнинг барча компонентлари- дарс мазмуни, методлари ва дарснинг тузилишидаги асосий талаблар ва унинг йўналишларини белгилаб беради.

Музика фани ўқитилишининг принциплари болаларда ижодийлик, музика ҳақида мустақил фикр-муносабат билдириш, музика асарларини онгли-эмоционал идрок этиш, уларнинг музикаий қобилият ҳамда иқтидорларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилмоғи лозимдир. Ўқувчиларнинг маънавий олами ва маданий савиясининг юксалишида, ДТС ва ўқув дастури асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларининг тўлиқ шаклланишида, музикага бўлган қизиқишларини янада орттиришда ўқувчиларга ёрдам беради.

Музика мактабларида хор ўқув предмети ўқувчиларнинг маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятини, миллий ғурур ва ватанпарварликни шакллантиришга, ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиришга фикр доирасини кенгайтиришга, мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялашга хизмат қилади. Жамоа бўлиб куйлаш ўқув предмети музика мактабларида ўқитиладиган барча ўқув предметлари жумладан, мутахассислик, музика назарияси, солфеджио, музика тарихи, нотани варақдан ўқиш ва умумий фортепиано фанлар билан узвий боғланган.

Барча ўқув фанлари қатори музикаий таълимда ҳам давлат таълим стандартининг жорий этилиши миллий музикаий меросдан тўлақонлик фойдаланиш имконини беради. Булар оммавий халқ куйи ва қўшиқларида хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолияти, замонавий музикаий фаолиятда ўз аксини топган. Музика санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялаш, уларнинг баркамол бўлиб етишишларида ўзига ҳос ва такрорланмас манба бўлиб хизмат қилади. Азалдан шарқ, жумладан, ўзбек музика таълим – тарбияси педагогикаси ва унинг мукамал услубиётлари устоз ва шогирд анъаналари мисолида такомиллашиб борган.

Давлат таълим стандартлари оммавий халқ музика педагогикаси, профессионал музика ижодкорлари, музика ижрочилари (созанда ва хонандалар) асарларининг элементар асосларини ўргатишни меъёрлаштиради. Музика таълими ДТС ҳамда янги таълим мазмуни асосида ўқувчиларнинг музикаий билим ва малакаларини ошириш билан биргаликда уларда кузатувчанлик, хотирани мустаҳкамлаш, образли тасаввур қилиш, ижодкорлик, мустақиллик, ташаббускорлик, бадиий ва музикаий дид каби ҳислатларни ривожлантиришни таъминлайди. Шу боис музикаий таълимнинг янги мазмуни ёш авлодни миллий музикаий меросимизга ворис бўла оладиган, умумбашарий музика бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон қилиб вояга етказишни назарда тутди. Бунда ўқувчиларнинг музика санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари оммавий музика фаолиятлари: музикани бадиий идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш асосий мақсад ҳисобланади.

Шунингдек ўқувчиларнинг музика санъатига меҳр ва иштиёқини ошириш, музика санъатига қизиқувчи ўқувчиларнинг музикаий иқтидорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг бадиий эҳтиёжларини қондириш музика таълим – тарбиясининг асосий вазифасини ташкил этади. Шу билан бирга, ўқувчилар жаҳон халқларининг нуфузли дурдона асарлари билан танишадилар. Жамоа бўлиб куйлаш фаолияти ўқувчиларнинг музикаий қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарур. Жамоа бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчи ўзининг овоз ижросини бошқаришни, устозлари ижросини эшитиб, кузатишни ҳамда улар билан баҳамжихат жўрнавозлик қилишни ўрганади. Ўзбек халқ кўшиқлари, жаҳон ва ўзбек композиторлари кўшиқларидан фойдаланишади. Дарс машғулотларида етакчи фаолият сифатида идрок муҳим рўл ўйнайди. У икки ҳолатда амалга ошади: биринчи ҳолатда маълум асар тингланиб, идрок этилади ва унинг бадиий тавсифлари дарс мавзусига доир оддий музикаий - педагогик таҳлил этилади. Эшитиш орқали асарни тушуниш ва онгли идрок этиш, асарнинг музикаий хусусиятлари (жанри, тузилиши, ифода воситалари, ижрочилиги) ҳамда бадиий мазмуни ҳақида маълум билимга эга бўлинади. Иккинчи ҳолатда музика асарлари аввал тингланиб (идрок этилиб), сўнг у ёки бу фаолият кўпроқ куйлаш орқали ўрганилади, унинг бадиий мазмун хусусиятлари амалий фаолиятда ифодаланади. Масалан, ўрганиладиган кўшиқ аввал ўқитувчи ижросида (тасма орқали ҳам) бир –икки марта тингланади, асар хусусияти ҳақида суҳбат қилинади, сўнг ўрганишга киришилади. Куйлаш фаолияти ўқувчиларнинг музика – ўқув қобилияти ҳамда ижрочилик малакаларини ривожлантириш учун зарурдир. Жамоа бўлиб куйлаш жараёнида ўқувчи ўз овоз – ижросини бошқаради, ўртоқлари ижроларини эшитиб кузатади ва улар билан бирга жўр бўлиб куйлашга интилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Azamat RAJABOV. Markaziy Osiyoda musiqa san'ati va cholg'u ijrochiligining rivojlanishi//Pedagogik mahorat.2020/12/06 202-204
2. A.Rajabov. The Importance of Conducting Science in the Preparation of Music Educators//Test engineering management. 2020/03/24 2681-2688
3. Azamat Rajabov. The development of music and instrumental performance in Central Asia// International Journal of Applied Research. 2020/03/18 95-97
4. AZAMAT RAJABOV. AN'ANAVIY XONANDALIK o'quv qo'llanma//Durdon.2020/06/30
5. Azamat Rajabov. MARKAZIY OSIYO FIKR TARAQQIYOTIDA MUSIQA ILMI VA MUSIQA SOZLARINING TUTGAN O'RNI. Monografiya//Globe Edit.2021/01/22
6. Rajabov Azamat Sharifovich. Musiqa xonandaligida erkaklar va ayollarning ovoz apparati turlari//Metodologik uslubiy qo'llanma.2020/
7. Rajabov Azamat Sharifovich. Vokal va zamonaviy musiqada texnologiyalarning qo'llanilishi//Metodologik uslubiy qo'llanma.2020/
8. Азамат Шарифович Ражабов. Непредвиденность, неупорядоченность и незафиксированность в нотах// SCIENTIFIC PROGRESS//2021/08/23. 594-599